МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ИРФОН БУЛОҒИ

Профессор Маҳмуд Асъад Жўшон
ижодий меросига оид мақолалар

Тошкент
“Qamar media”
2025

УЎК: 86.38+87.3
КБК: 28-725(092)
Н - 30

Ирфон булоғи: мақолалар [матн] / Профессор Маҳмуд Асъад Жўшон ижодий меросига оид мақолалар. Нашрга тайёрловчи: Нодирхон Ҳасан. – Тошкент: “Qamar media” нашриёти, 2025. – 384 б.

ISBN 978-9910-8867-7-5

Қўлингиздаги ушбу тўпламда таниқли мутасаввиф олим Маҳмуд Асъад Жўшоннинг ҳаёти ва ижодига бағишланган мақолалар жамланган. Бу улуғ зот ҳақида юртимизнинг пешқадам зиёлилари ўзининг тадқиқ, таҳлил ва хотираларини баён этган. Мақолалар асосан илмий-маърифий, ахлоқий-тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, айни пайтда ватанни севиш, аждодлар меросига эҳтиром, тарихни қадрлаш каби миллий-маънавий қадриятларни улуғлашга ундайди. Тўплам филология, фалсафа, педагогика, тарих, маданият, эстетика, тасаввуф ва бошқа йўналиш вакиллари, тадқиқотчи, талаба ва қизиқувчилар учун қўшимча адабиёт вазифасини ўтайди, деган умиддамиз.

Нашрга тайёрловчи:
Нодирхон Ҳасан
филология фанлари доктори, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети профессори

Масъул муҳаррир:
Ҳамидулла Болтабоев
филология фанлари доктори, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети профессори

Тақризчилар:
Жалолиддин Жўраев, ф.ф.д.,
Улбўлсин Аметова, ф.ф.ф.д.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Журналистика ва ўзбек филологияси факультети ўқув-услубий кенгашининг 2025 йил 25 март 6-сонли мажлис қарори билан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9910-8867-7-5
© Нодирхон Ҳасан, “Ирфон булоғи”, 2025
© “Qamar media” нашриёти, 2025

Сўзбоши



Илм ўргангил адаб ҳосил қил,
Аҳли маънига ўзни восил қил.
Алишер Навоий

Мазкур мақолалар тўплами ўз асарлари билан юртимиз китобхонлари меҳрини қозонган, айни пайтда илмий, маърифий фикр-қарашлари билан илмий муҳитимизда алоҳида ўринга эга бўлган таниқли адабиётшунос, тасаввуфшунос, филология фанлари доктори, профессор Маҳмуд Асъад Жўшоннинг ҳаёти, илмий, адабий мероси, фаолияти ҳақидаги тадқиқ, таҳлиллар, кузатиш ва муносабатлар, фикр-мулоҳазалар, хотира ва дил изҳорларини ўз ичига олган.

Юртимизнинг таниқли ёзувчи, адабиётшунос, тарихчи, тасаввуфшунос, ёзувчи, шоир, журналист, хаттот, муҳандис ҳамда бошқа соҳа вакилларининг мақола, эссе ва тақризлари жамланган тўпламда чунончи Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Шер, тасаввуфшунослик тармоғининг дарғаларидан Иброҳим Ҳаққул, шоир ва таржимонлардан Мирзо Кенжабек, Садриддин Салим Бухорий, адабиётшунослардан Дилором Салоҳий, Сувон Мели, Раҳматулла Баракаев, Сайфиддин Сайфуллоҳ, Нурбой Жабборов, Дилнавоз Юсупова, Санобар Тўлаганова, Нодирхон Ҳасан, Отабек Жўрабоев, Абдулмурод Тилавов, Жасурбек Маҳмудов, Мақсуд Асадов, Алимардон Ҳайитов, Саидбек Болтабоев, Раъно Ҳакимжонова, тарихчи олимлар Маҳмуд Ҳасаний, Шерзодхон Маҳмудов Офоқий, исломшунослар Раҳматуллоҳ Термизий, Абдулвоҳид Самарқандий, техника фанлари доктори Зиёдулла Юсупов, шунингдек, Орзиқул Эргаш, Суюндик Мустафо, Дамин Жумақул, Муродулла Хожаев, Саййид Алишер Убайдулло, Зебинисо Камолова, Умида Ғаффорова, Гулзебо Иброҳимова, Иноятхон Убайдуллаева, Фазлиддин Мадиев, Ўткирбек Муҳаммадсобир, Фозил Шакурзод каби ижодкор, мутахассислар, бир қатор хорижлик олимларнинг мақола, эътироф, муносабат ва бағишлов шеърлари ҳам ўрин олган.

Тўпламдаги материаллар асосан илмий, маърифий, адабий, маънавий, тасаввуфий мавзуларда бўлиб, уларнинг деярли барчаси М.А.Жўшоннинг илмий меросини тадқиқ ва таҳлил этиш, ижтимоий, ахлоқий, тарбиявий фикр-ғояларига эътибор қаратиш, эл-юрт севгиси, миллат ва ватан келажаги, ёшларнинг истиқболи учун қайғуриш, жамиятдаги кўплаб муаммоларга ечим излашга доир илғор қарашларга қаратилган. Масалан, илмига амал

қилиш орқали кейинги авлодларга намуна бўлиш ҳақида ёзар экан, Тоҳир Малик ўз мақоласида “Одамийлик мулки” асарини ёзишда Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Алишер Навоий, Фузулий, Жалолиддин Румий қатори Жўшон ҳазратнинг фикр-қарашларидан ҳам фойдаланганини эътироф этади. Зеро, Жўшон ўз асарларида тасаввуфни ўрганиш ва ўргатишда зиёлилар ҳамда олимларнинг ўрни қандай бўлиши кераклигини кўрсатиб берган. Унингча, “Жўшон ҳазратларининг қалбида гўёки вулқон бордек. Мен ана шу вулқонни ўзимга сингдириб олгим келди ва у кишининг услубида ҳайқириқларимни асарга жойладим. Бундай усулдан фойдаланиш асаримнинг одамлар қалбига етиб боришида ижобий аҳамият касб этди”, дейди.

С.Сайфуллоҳ мақолаларида Жўшоннинг илм, маърифатли бўлишга доир фикрларига тўхталади. Унингча, ҳикмат мўминнинг йўқотган нарсаси, қаердан топса, ўша ердан олади; хоҳ Чин бўлсин, хоҳ Мочин – фарқи йўқ. Аммо бугун халқларимиз илмсизлиги оқибатида замонавий илм-фан тараққиётидан орқада қолди. Бунинг учун илм-фанга аҳамият бериш керак. Айниқса, миллий қадриятларга, она тилига эътибор бериш кераклиги хусусида Жўшон ёзади: илм талабгорлари билиши керак бўлган иккинчи муҳим асос – “Аввало она тилингда яхши сўзлаш ва ёзишни ўрган. Инсон учун энг фойдали нарса ўз она тилидир. Кишининг қадри тилининг ости ва сўзининг учида яшириндир. Уни сўз ва ёзув ташқарига олиб чиқади. Грамматика мақсад эмас, восита, холос. Асосийси эса фикр бойлигидир”... Илмсиз киши бирон бир ишни тўла-тўкис уддалай олмайди, жамиятга фойдаси тегишини ният қилган инсон яхши таълим-тарбия олиши, амали билан етишиши зарур. “Ҳар бир миллатни, жамиятни, гуруҳни, шахсни юксалтирувчи ва ривожлантирувчи унинг таълимдаги муваффақиятидир. Сифатли таълим ибтидоий жамиятни қолоқликдан қутқаради. Орқада қолишдан қутқаради; замонавий, тараққий этган нурафшон бир жамиятга айлантиради”.

О.Эргаш “Умрга татигулик сабоқ” мақоласида Жўшоннинг таълим-тарбия қанчалик муҳимлигини ниҳоятда образли қилиб, айни чоғда ғоят содда ва тушунарли тарзда ифодалаб берганини таъкидлайди: “Қўл кучи билан ишлаган киши ишчидир. Қўли ва ақли билан ишлаган устадир. Қўли, ақли ва туйғулари билан ишлаган киши санъаткордир...”

Н.Жабборов ҳам ўз мақоласида Жўшон таълим-тарбия масаласига катта эътибор қаратганига тўхталади. Дарҳақиқат, миллатни таълим, таълимни эса ориф ва фозил инсонлар тараққий эттира олади. Ҳақиқатан, таълим-тарбия соҳасини юксак даражага кўтармай туриб, буюк шахсиятларни етиштириб бўлмайди. Лекин муҳим бир масалага эътибор қаратмоқ зарур. Таълим-тарбия авлодни фақат ақлий жиҳатдан ўстирибгина қолмай, унинг тафаккури ва руҳига ҳам қувват беришга йўналтирилмоғи керак. Чунки мутафаккир аждодларимиз таълим-тарбияда уч хусусиятни уйғун кўрганлар. Улар: бадан тарбияси, фикр тарбияси, руҳ тарбиясидир.

Ана шу учликнинг ўзаро уйғунлигига, мутаносиблигига эришилсагина таълим-тарбияда юксак натижалар бермоғи мумкин. Бадан тарбияси – кўпроқ тиббиёт сингари инсон аъзоларини ўрганадиган, унинг жисман соғлом бўлишига қаратилган илмларни ўз ичига олади. Ақл тарбияси эса асосан аниқ ва табиий фанларга таянади. Бу йўналишдаги илмлар тафаккурни ўткирлаштиради, буюк интеллектуал салоҳиятга эга инсонларни тарбиялашга хизмат қилади. Руҳ тарбияси эса нафақат ўзи балки жамият ва келажак авлодни юксалтиради.

Н.Йилмаз мақоласида ёзилишича “Жўшон устоз бугунги таълим тизими кутилган таълимни беришдан йироқ деган фикрда эди. Масалан, таълим тизимида севги тарбияси ўргатилмайди. Шу учун олим миллий таълим тизими қила олмаган ишни ўзи енг шимариб ташаббус кўрсатиб уддасидан чиқади. Ҳамфикрлари билан ҳамжиҳатликда таклиф ва тавсиялар бериб ўлканинг турли ҳудудларида хусусий мактаб ва коллежлар очилишига ҳисса қўшади”. Хуллас, тўпламдаги қолган мақолаларда ҳам шунга ўхшаш кўплаб самимий фикр ва мулоҳазаларни учратиш мумкин.

М.А.Жўшон ислом, тасаввуф, туркология, филология илмларини пухта эгаллаган аллома бўлиши билан бирга, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳалардан ҳам яхши хабардор бўлган. Чунончи, ўз даврида давлат режалаш қўмитаси ҳузуридаги комиссия аъзоси бўлиб ишлаган, мамлакатнинг маънавий, маданий тикланишига катта ҳисса қўшган.

Олим XX асрнинг мутафаккир ва нодир инсонлари қаторидан жой олган дейиш мумкин. Зеро, унинг илми ва амали бир-бирига уйғун вобаста бўлганлигини китобда жой олган мақола-ю хотиралардан билиш мумкин. Ушбу хислати билан кўпчилик учун намуна сифатида кўрсатса бўладиган феноменал шахсдир. Унинг қилган хайрли ишлари, илм йўлида кўрсатган хизматларини қадрлаш, эзгу ишларини давом эттириш, шунингдек, илмий меросини тадқиқ қилиш ёш авлоднинг зиммасидаги ишдир.

Ушбу тўплам М.А.Жўшоннинг маънавият ва маърифат йўлидаги хизматларини эътироф этиш, ҳаёт йўлини эслашга ҳам бир васила бўлади. Зеро, шундай одамлар бўладики, уларнинг умр йўли, фаолияти, ёзган асарлари ва насиҳатлари бошқалар учун йўлчи юлдуз, ҳеч вақт сўнмайдиган маёқ вазифасини бажаради. Чунки маънавиятга бой, ҳақ ва ҳақиқатга мувофиқ ҳаёт кечирган, умрини хайрли ва эзгу ишларга сарфлаган зотлардан биридир.

Хуллас, мазкур хотира китобидаги фикрлар ҳар жиҳатдан сермазмун, шу билан бирга, илмий асосга эгалиги билан характерли бўлиб, китобхонларга манзур бўлади, деган умиддамиз. Нашрга тайёрлаш жараёнида саъй-ҳаракат кўрсатган, таҳрир ва тузатиш ишларида сидқидилдан ёрдам бериб, ўз ҳиссасини қўшган барча дўстларга, хусусан, Ўзбекистон Миллий университетининг Журналистика ва ўзбек филологияси факультети Ўзбек адабиётшунослиги кафедраси мудири, филология фанлари доктори, профессор

Ҳамидулла Болтабоевга, тақризчилар филология фанлари доктори Жалолиддин Жўраев, филология фанлари бўйича фалсафа доктори Улбўлсин Аметова, кафедра жамоасига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти катта илмий ходими, филология фанлари номзоди, доцент Сайфиддин Сайфуллоҳга, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси ижодий кенгашлар бўйича бош мутахассиси, “Меҳнат шуҳрати” ордени соҳиби Орзиқул Эргашга, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети профессори, филология фанлари доктори Дилнавоз Юсуповага, Ориентал университети профессори, филология фанлари доктори Жасурбек Маҳмудовга, муҳаррир Дамин Жумақулга ва бошқа дўстларга алоҳида-алоҳида ташаккурларимизни изҳор қиламиз.

Нодирхон Ҳасан

Тақдим

Қўлингиздаги китоб ота-боболари асли Бухоро саййидларидан бўлган Маҳмуд Асъад Жўшон (1938–2001) ҳазратларининг ҳаёти ва ижодига бағишланади. Ундан юртимизнинг таниқли олим, шоир, адиб ва зиёлиларининг бир қатор фикру мулоҳазалари, тадқиқу таҳлиллари ва хотиралари ўрин олган.

М.А.Жўшоннинг қатор китоблари юртимизда чоп бўлгандан кейин халқимиз у кишини яқиндан таниди. Китобларини ўқиган минглаб одамлар у кишидаги самимият, соддалик ва соф эътиқодга чақириқлардан таъсирланди. Зоҳирий ва ботиний илмларни ўзида мужассам этган фикрларидан, теран мулоҳазаларидан, эзгуликка даъватларидан китобхонларимиз у зотни ғойибона яхши кўриб қолди. Бунинг ажабланадиган жойи йўқ, албатта. Зеро, инсон табиати шундайки, у қайси шахсдан ё қайси манбадан ўзини қийнаб юрган саволларига жавоб топса, шу муаллифни ёхуд манбани яхши кўриб қолади.

Жўшон ҳазратларининг китобларини назардан ўтказганда, суҳбат ва маърузаларини эшитганда, у киши билан мулоқот қилганда маълум бўладики, бу устоздан алоҳида илмий тадқиқотларни талаб қиладиган ниҳоятда салмоқли маънавий мерос қолган. Айниқса, олим сўзи билан амали бир бўлса, унинг одамларга жуда кўп фойдаси тегади. Айнан у кишининг суҳбатларидан самимият уфуриб туради, ҳавойи гаплар эса умуман йўқ. Ҳар бир гапирадиган гапларини илмий асослари ва ҳаётий мисоллар билан тушунтирадилар. Яъни, бу кишининг бирор мавзуни тушунтириш услублари жуда ўзига хос, содда, ҳаммабоп.

Жўшон устоз адабиётни жуда яхши билади, айниқса, Аҳмад Яссавий ва Юнус Эмро шеърларини жуда кўп ўқиганликлари, хусусан, Юнус Эмро шеъриятига алоҳида меҳрлари борлиги билиниб туради. Ҳар қандай суҳбат кетаётган бўлса, албатта, шу мавзу билан боғлиқ Юнус Эмродан, Аҳмад Яссавийдан ё бошқа бирор таниқли шоирдан бир-икки байт мисол келтиради. Шу сабаб ҳам тингловчиларга суҳбатнинг таъсири янада кучли бўлади. Чунки, “сўзда сеҳр бор, шеърда ҳикмат бор”, деган ҳадис бежизга айтилмаган. Шеърни ўзгача сеҳри, жозибаси борки, ҳазрат суҳбатларида шеърлардан унумли фойдаланар эди.

М.А. Жўшон доимо халқ билан мулоқот қилган. Одамларни дардини биладиган, одамларга қандай гапиришни, таъсир қилиш усулини биладиган киши эдилар. Яъни, шифокор касалликнинг тарихини, сабабини билса,



беморни осонгина даволайди. У киши ҳам бир сўз билан айтганда қалб шифокори эди. Инсонларнинг қалбини қандай ислоҳ қилишни яхши биларди.

У киши санъат ва меъморчиликдан ҳам яхшигина хабардор эди. Шу учун ҳар бир нарсанинг гўзаллик ва эстетик жиҳатларини очиб беришга ҳаракат қилади. У зотнинг асар ва суҳбатларини диққат билан кузатсангиз, ёшларга кўпроқ эътибор беради. Ёшларни илм олишга ва касб ўрганишга тарғиб қилади. Илм билан одобни бирга олиб бориш ҳақида кўп қайғурадилар. Ҳазрат Алишер Навоий ҳам жуда кўп ғазал ва байтларида адаб ҳақида гапирган. Чунончи:

Илм ўргангил адаб ҳосил қил,
Аҳли маънига ўзни восил қил.

Яъни, комил инсон, аҳли маъно бўлиш учун илм ўқиш ва адаб ўрганиши лозим. Унинг бир қаноти илм бўлса, иккинчи қаноти одоб бўлиши керак. Ана шунда киши ҳақиқий маънода аҳли илм, аҳли фазл бўлиб етишади. Жўшон ҳазрат ҳам ҳар бир нарсанинг одоби-ахлоқи бор деб кўп такрорлайди. Масалан, илмнинг ўз одоби бор, устознинг ўз одоби бор, одамлар билан муносабатнинг ўз одоби бор ва ҳоказо. Демак, инсонга илмнинг ўзи кифоя қилмайди, одоб-ахлоқни ҳам эгаллаши муҳим. Бугун биз ҳам устозларнинг тавсияларига амал қилиб, ёшларимизга илм ўқитиш баробарида уларнинг одобларига ва бирор касбни эгаллашларига диққат қилишимиз керак.

У кишини яхши билган бир қанча олимлар Жўшон ҳазрат XX асрда яшасалар-да, XXI аср учун жуда муҳим гапларни айтиб кетганлар, деб эътироф этишади. Жумладан, инсон ва жамият, тарихни билиш, табиатни авайлаб асраш, инсон ва иқтисодиёт каби кўплаб долзарб масалаларда қандай йўл тутиш кераклиги ҳақида жуда муҳим фикрлари борки, булар худди бугун айтилаётгандек кишини ҳайратга солади.

Жўшон ижтимоий хизмат деган тушунчага алоҳида эътибор берардилар. Инсонларга, жамиятга, ватанга хизмат қилиш, кимнидир оғирини енгил қилиш, айниқса, бева-бечоралар ҳолидан хабар олишни мунтазам таъкидлар эдилар. У зотнинг тавсияларидан бири шу эдики, сен ҳам зикр қил, ҳам бошқаларга хизмат қил. Улуғларимизнинг йўли шудир. Агар зикр вазифаларинг билан халққа хизмат қилиш бир вақтга тўғри келиб қолганда, сен, албатта, халққа хизмат қилишни танлагин, – деб айтардилар. Зотан, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валий ҳазратлари ҳам шогирдларига шундай деганлар.

Устоз Жўшоннинг илмий, адабий, маърифий-ахлоқий йўналишдаги китоблари нафақат ўз юртида, балки Ўрта Осиё мамлакатларида ҳам кенг ёйилган. Айрим асарлари чет тилларига ўгирилиб, Ғарб мамлакатларида ҳам чоп этилган. Ўзбекистонда ҳам анчагина китоблари таржима бўлган. Иброҳим Ҳаққул, Мирзо Кенжабек, Сайфиддин Сайфуллоҳ, Нодирхон Ҳасан, Алимардон Ҳайитов каби таниқли олим, шоир ва адиблар ўзбекчага ўгирганлар. Заҳматкаш олимларимиздан Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Шер,

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик, севимли шоир ва таржимонимиз раҳматли Садриддин Салим Бухорий, истеъдодли олим Баҳриддин Умрзоқ кабилар устоз ҳақида маълумотлар эълон қилиш билан бирга, ҳазратнинг айрим мақолаларини ўзбекчага ўгириб, матбуотда эълон қилишган. Бундай хайрли илмий-ижодий ишлар, адабий, маданий алоқаларнинг бундан кейин ҳам давом этишига умид қилиб қоламиз. Чунки бу таржима қилинган китоблар илму адаб аҳли, ёзувчи, шоир, зиёли ва китобхонлар учун ҳам қайсидир маънода дастурул амал бўлиб келмоқда.

Ҳазратнинг китоблари илмий-назарий асосли, юртимиздаги тушунча, қараш ва анъаналарга мувофиқ бўлгани ҳамда фикрларини халқона, содда қилиб ифодалагани учун ҳам оммабоп бўлиб кетди. Китобхон мухлислар ҳам Жўшон китобларининг соддалигию халқоналигини, мавзулар факт ва ҳаётий мисоллар билан тушунтирилганини алоҳида таъкидлашади. Бу жуда муҳим ва айни пайтда бундай малакани эгаллаш ва қалбларга таъсир қилиш менимча, фақат ўқишнинг ўзи билангина қўлга киритилмайди. Бунга илоҳий истеъдод, қобилият ва салоҳият ҳам бўлиши керак. Масалан, устознинг турк тили ва маданиятига оид ўзбек тилига таржима қилинган “Ўқув ва ёзув малакаси” номли китобида (таржимон Сайфиддин Сайфуллоҳ, Тошкент, 2010) мутолаанинг фойдали қоидалари, хотирани мустаҳкамлаш йўллари, тижорат ёзишмалари, суҳбатни, маърузани тинглаш йўллари, мавзу танлаш, ёзиш учун режанинг аҳамияти, жумла нима, маъно аниқлиги қандай бўлиши керак каби мавзуларни чиройли ва асосли ёритиб берганларки, жуда кўп шоиру ёзувчилар шу китоб ҳақида менга ижобий фикрлар билдиришиб: “Биз Маҳмуд Асъад Жўшонни буюк бир дин олими, тасаввуф шайхи деб билардик. Яхшигина тилшунос, педагог, мураббий ҳам эканлар-ку! Албатта, шеърият билан шуғулланадиган кишилар мана шу китобни ўқишлари керак” – деб айтардилар. Хуллас, устоз ҳақларида жуда кўп гапириш мумкин. Улуғларнинг сифатини ҳар қанча гапирсанг ҳам тугамайди. Батафсил фикр-мулоҳазаларни тўпламдаги мақолалардан ўқиш мумкин. Албатта, ушбу тўплам халқимизнинг қалбига зиё бағишлайди ва илмий ишларга мавзу бўлади, деган умиддамиз.

Бугунги талотумли ва шиддатли замонда юртимиз ва халқимиз ҳақида қайғурамиз. Хоҳлаймизми йўқми, ёшларимизнинг келажаги ҳақида ўйлаймиз. Чунки ёшлар – келажагимиз. Бу келажак авлоддан Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад Хоразмий, Беруний, Имом Термизий, Имом Бухорий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Амир Темур, Алишер Навоий каби улуғ зотлар чиқиши учун бугунги кекса авлод, мураббийлар ва устозлар жон куйдиришимиз лозим. Ёш авлодга алломаларимизнинг, миллий қаҳрамонларимизнинг, азиз-авлиёларимизнинг ҳаётини ибрат қилиб кўрсатишимиз лозим. Бу йўлда Жўшон ҳазратнинг ҳам ҳаёт ва фаолиятлари қайсидир жабҳада ёшларимизга ибрат бўлади деган ўйлаймиз. Яратгандан юртимизнинг

тинчлигини, халқимизнинг фаровонлигини, диёримизда илму фаннинг тараққиётини, айниқса, ёшларимизнинг ҳар соҳада илғор ва намуна бўлишларини тилаб қоламиз.

Сайфиддин Сайфуллоҳ
Тошкент. “Дўрмон ижод уйи”,
14.03.2024.

Маҳмуд Асъад Жўшоннинг таржимаи ҳоли

Маҳмуд Асъад Жўшон – ота-боболари асли Бухорои шариф саййидларидандир. Отаси Халил Нажотий, онаси Шодия хоним бўлиб, 1938 йил 14 апрелда Туркиянинг Чаноққалъа вилоятига боғли Айважик туманидаги Ахматча қишлоғида туғилган. М.А.Жўшон 1956-1960 йиллар мобайнида Истанбул университети филология факультетининг араб-форс филологияси бўлимида таҳсил олган. Истанбул университетини тугатгач, Анқара университети илоҳиёт факультетининг аспирантурасига ўқишга кирган. 1965 йил "Хатиб ўғли Муҳаммад ва асарлари" мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилиб, илоҳиёт фанлари доктори бўлган. 1967-68 йилларда Анқара юксалиш муҳандислик ва меъморлик махсус олий мактабида турк тили ва ижтимоий фанлардан дарс берган. 1973 йилда эса "Ҳожи Бектоши Валий. Мақолот" мавзусида доцентлик диссертациясини ёқлагач, Анқара университети илоҳиёт факультетининг турк-Ислом адабиёти курсига ўқитувчи этиб тайинланган. Шу билан бирга турли олий ўқув юртларида Ислом тарихи, турк-Ислом тарихи ва адабиёти фанларидан дарс берган. Айниқса, у кишининг узоқ йиллар давомида Анқара университети илоҳиёт факультети талабаларига илмнинг турли соҳаларидан таълим-тарбия берганлиги, кўплаб шогирдлар етиштиргани таҳсинга шоёндир. 1982 йил эса унга ихтисослиги бўйича профессорлик унвони берилди. 1987 йилдан нафақага чиққан.

М. А. Жўшон диний ва дунёвий илмларни пухта эгаллаган аллома бўлиши билан бирга, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳалардан ҳам яхши хабардор бўлган. Чунончи, давлат режалаш қўмитаси ҳузуридаги комиссия аъзоси бўлиб, Туркиянинг маънавий тикланиши режасини ишлаб чиқди. Хорижий тиллардан араб, форс, инглиз ва олмон тилларини яхши билган. Бу улуғ алломанинг жуда кўп илмий-маърифий асарлари, мақолалари нашр этилган. "Ҳажнинг фазилатлари ва нозикликлари", "Турк тили ва маданияти", "Юнус Эмро ва тасаввуф", "Ҳожи Бектоши Валий. Мақолот", "Ислом, севги ва тасаввуф", "Хизматга шошилинг", "Долзарб масалалар", "Янги уфқлар", "Ислом, тасаввуф ва ахлоқ", "Исломда нафс тарбияси ва тасаввуфга кириш", "Австралия суҳбатлари", "Ҳазрати Али насиҳатлари", "Зафарнинг йўли ва шартлари", "Фаолиятларда метод масаласи", "Аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни", "Болалар билан юзма-юз", "Рамазон ва тақво тарбияси", "Тасаввуф йўли нима?", "Иймон ва исломнинг муҳофазаси", "Рамазон ва



гўзал амаллар”, “Тўғри эътиқод ва гўзал бандалик” каби асарлари шулар жумласидандир.

М.А.Жўшон зоҳирий илмлар билан бир қаторда ботиний-тасаввуфий илмларда ҳам етук аллома, ҳол соҳиби эдилар. У 1980 йилда шайхи комил инсон, 30 дан зиёд исломий-тасаввуфий китоблар муаллифи – Муҳаммад Зоҳид Қутқу Бурсавийнинг изни-ижозати билан Туркиядаги нақшбандия тариқатининг энг эътиборли марказларидан бўлмиш Искандарпошшо даргоҳига пешво ва муридларга халифа, пир этиб тайинланди. Айни пайтда қодирия, кубравия, суҳравардия, чиштия, хилватия, жалватия, шозалия ва мавлавия тариқатларидан ҳам иршод қилиш ижозатини олганлар.

Ҳазрат Расулуллоҳ (с.а.в)га бориб тақаладиган нақшбандия тариқати, холидия тармоғи кумушхонавий шаҳобчаси силсиласининг қирқинчи бўғини вакилидир. Тафсир, ҳадис ва тасаввуф илмларидан, чунончи, забардаст олим Аҳмад Зиёвуддин Кумушхонавийнинг “Рамуз ул-аҳодис” (ҳадислар дарёси), Абу Абдурраҳмон ас-Сулламийнинг “Табақоти суфийя” номли китобларидан ҳам дарс берди.

М.А.Жўшон ислом маърифатини тарғибу ташвиқ этиш мақсадида хусусий телевидение ва радио маркази, бир неча илмий, ижтимоий журналлар, нашриёт ва босмахоналар, маънавият ва қадриятларни тарғиб қиладиган вақфу жамғармалар, ширкатлар очди ва уларнинг фаолиятига раҳбарлик қилди. Бу ирфон ўчоқларида ҳалиҳануз турли илмий-маърифий кечалар, суҳбатлар, зиёлилар ва давлат арбоблари, шоиру ёзувчилар, дин олимлари билан ижодий учрашувлар, қизиқарли суҳбатлар ўтказилади.

Бу кишининг таклиф ва ташаббуслари билан бир қатор мактаб ва лицейлар, фиқҳ институтлари очилди. У зотнинг илмий-маърифий суҳбатлари нафақат Туркияда, балки жаҳоннинг қатор мамлакатларида ҳам катта қизиқиш уйғотган. Шу боис йиллар мобайнида Оврупо, Амриқо, Африқо, Австралия ва Ўрта Осиё ўлкаларига сафарлар уюштириб, илмий-маърифий суҳбатлар ўтказди ва турли таълим-тарбиявий дастурларда қатнашди. Ислом ва тасаввуфни тарғибу ташвиқ қилиб келди. Ислом ва тасаввуфнинг моҳияти, мақсаду ғояси ҳамда йўналишларини илмий асослаб берган. Унинг маърузаларида суннати набавияга қаттиқ амал қилиш, “Қўлинг ишда, кўнглинг Аллоҳда бўлсин” ғояси, нафс тарбияси, поклик, ҳалоллик, комил инсон бўлиш ҳақидаги фойдали ўгитлар, тавсиялар кенг ўрин олган.

М.А.Жўшон ҳазратлари илм, маърифат, ўқув ва маориф ходимларига алоҳида эътибор берар эдилар. Уларни рағбатлантирар, ўз тавсия ва маслаҳатлари билан уларга тўғри йўл кўрсатар эдилар. Олимларга бўлган ҳурматлари баланд эди. Ҳазратнинг ҳаёту фаолиятларини ҳар томонлама кузатган инсон у зотнинг комил инсон эканликларига тўла иқрор бўлади. Хуллас, ҳазрати шайхнинг ҳаёти, фаолиятларини кўрган киши у кишининг шариатда ҳам, тариқатда ҳам тўлиқ сиротал мустақим йўлида эканликлари-



га гувоҳ бўлади. У зотга шогирд ва издош бўлганларнинг ҳалоллиги ва тақвосини кўриб, ҳазрати шайх тавсия этган тасаввуфий вазифаларнинг фақат оят ва ҳадисга, суннатга асосланганлигига, тақво ва эҳсон йўли эканлигига яна бир карра амин бўлиш мумкин. У киши тақвони, покликни, халққа хизмат қилишни, ҳалол ризқ топишни, зикру ибодатларни қолдирмасдан бажаришни, вақт ўтса кеч бўлиб қолишини қайта-қайта такрорлайдилар. Аллоҳ ва Расулининг амру наҳийларига амал қилишга даъват этадилар. Доимо муридларига: “Мен ҳам масъул бир бандаман. Аллоҳ ва Расулининг амру наҳийларини сизга етказувчи бир воситачиман, даъватчиман, холос. Агар тавсияларимни, вазифаларимни бажарсангиз, савоб топасиз, агар бажармасангиз, Аллоҳ олдида жавоб берасиз. Яхшилик қилсангиз ҳам, ёмонлик қилсангиз ҳам ўзингизга қиласиз”, деб айтар эдилар.

У зотнинг қаламига мансуб асарлар Ислом тасаввуфи ва тариқат моҳиятидан, унинг манбаи, сарчашмасидан ва инсон ҳаётидаги аҳамиятидан баҳс этади. Қуръони карим, ҳадиси шариф, Расулуллоҳ (с.а.в) йўриқлари асосида яшашга ва саҳобаю тобеъинларга ҳар жиҳатдан эргашишга даъват қилади. Уларда Ислом тасаввуфининг Ҳақ ва Ҳақиқатга ундовчи бир йўл, руҳий ва ахлоқий камолотни шакллантирувчи бир восита эканлиги уқтирилади. “Нафс тарбияси”, “валийлик”, “шариат ва тариқат”, “нақшбандийлик”, “Расулуллоҳга тобелик” каби қатор тушунчалар шарҳланган.

Муаллиф ўз асарларида китобхонни тасаввуф йўли ва вазифалари юзасидан дастлабки маълумотлар, умумий қоидалар билан таништиришни мақсад қилиб қўяди, илмий, тарихий ҳамда адабий манбаларга мурожаат этган ҳолда уни атрофлича ёритиб беради. У зотнинг асарлари Ислом тасаввуф бўйича фавқулодда бир қўлланмадирки, улардан кўпчилик ўз саволларига жавоб топиши мумкин.

М.А.Жўшон нақшбандия тариқатини, ирфоний маърифатни жаҳонга ёйиш ва тарқатишда фидойилик ва жонбозлик кўрсатган.

У зот асарларининг ўзбекча таржималари ҳам босилиб чиққан. Мазкур асарларнинг қайта-қайта нашр этилиши, хорижий тилларга таржима бўлиши, уларнинг қимматли бир манба эканлигидан далолат беради. У зотнинг илмий-маърифий китоблари таржима бўлгани учун Ўзбекистонда ҳам у кишини яхши билишади, ҳурмат билан номларини тилга олишади.

М.А.Жўшон ҳазратлари умрининг охирги йилларини Австралияда ўтказди ва шу ерда 2001 йил 4 февралда вафот этди (Аллоҳ раҳмат айласин). У зоти шарифдан кейин силсилаи шариф хизматини фарзанди аржумандлари Муҳаррам Нуриддин Жўшон ҳазратлари давом эттириб келмоқда.

М А Қ О Л А Л А Р

Замонамизнинг етакчиси эди

Сулаймон ДЎҒАН[1]

Туркия етиштирган нодир шахсиятлардан илм, ирфон ва кўнгил аҳли марҳум профессор доктор Маҳмуд Асъад Жўшон (1938-2001) устозимизни 1980 йилларнинг биринчи чорагида университетда ўқиётган пайтларимда дўстим Ойдин Илҳан орқали танидим. 1985 йил у киши билан юзма-юз кўришдим, бир неча бор шахсан суҳбатлашиш имконига эга бўлдим. Шундан кейин Фотиҳ Искандарпошо даргоҳидаги суҳбатларини тинглаш учун қатнай бошладим.

Фаросат соҳиби бир валий эди!

М.А.Жўшон илм, фикр ва ҳаракат аҳли, айни вақтда фаросат эгаси бир валий эди. Эсимда, 1989 йил у асос солган "Ислом" журнали жуда машҳур бўлиб кетар, минглаб тиражда босилар, ўқувчиси кўп эди. Мен кундалик миллий бир газетанинг маданият ва санъат саҳифасида журнал ва китоблар ҳақида мақолалар ёзаётган эдим. Мазкур газетада Ислом журналини танитиб мақола ёзганимда, устоз Асъад Жўшоннинг исми янглишлик билан Чўпон деб кўрсатилган эди.

Газетхонлар ҳақли равишда газетага телефон қилиб: "Нега устознинг фамилиясини Чўпон деб эълон қилдингиз?", – дея ўз муносабатларини билдирибдилар. Бундай хатоликдан афсусланиб, Жўшон ҳазратларининг уй телефонига қўнғироқ қилдим. Гўшакни шахсан ўзлари кўтардилар ва ўртамизда шундай суҳбат бўлиб ўтди: – Ассалому алайкум муҳтарам устоз. – Ваалайкум ассалом Сулаймон бей. – Устоз, Ислом журналини танитиш учун мақола ёзган эдим. Сизнинг фамилиянгиз Жўшон эмас Чўпон дея нашр қилинибди. Бу хато учун сиздан узр сўрайман. – Сулаймон биродарим, жуда тўғри бўлибди. Зотан Пайғамбаримизнинг амирларига кўра ҳаммамиз чўпон эмасмизми? Узр сўрайдиган иш бўлгани йўқ. Мен сизни биламан, Афғонистондаги мақолаларингизни катта қизиқиш билан ўқийман. Бироқ баъзилар нотўғри тушунган бўлиши мумкин. Хоҳласангиз эртанги газетада баёнот беришингиз мумкин, хоҳламасангиз шартмас, ўзингиз биласиз.

– Ҳазрат, нозикфаҳм эканингиздан миннатдорман. Эртага газетада очиқ-

[1] Истанбулдаги Юлдуз давлат техника университети, ижтимоий фанлар факультети профессори.

лама берилади, сиздан ва газетхонларимиздан узр сўраб, тузатиш киритилади. Хайрли кунлар тилаб қоламан.

– Ҳечқиси йўқ, ҳижолат бўлманг Сулаймон бей. Сизга ҳам хайрли кунлар, ассалому алайкум. Эртаси куни газетада муҳтарам Жўшон ҳазратларидан ва газетхонларимиздан узр сўраб, баёнот берилди. Марҳум Асъад Жўшон ҳақиқий мўминга муносиб шаклда жавоб берган эди. Унинг бу олийжаноб ҳатти-ҳаракатини асло унутмадим. Ҳозирги кунда бундай комил, етук инсонлар бормикин?

Келажакни кўра билган ўткир нигоҳли инсон эди

Муҳтарам Асъад Жўшон ҳазратларининг суҳбатларини тинглаганимда у зот, юртимиздаги ёшларнинг гўзал ахлоқли ва дуруст, ҳақ ва адолат тарафида бўлишларини, ватанпарвар, диний ва миллий қадриятларига ҳассослик билан эга чиқишларини, туркий тилимиздан яхши фойдаланиш ва муҳофаза қилишни, замонавий тараққиётларни жиддий кузатиб боришларини, иложи борича илм-фанга эга бўлишларини, технологияни кузатиб бориб, ундан унумли фойдаланишларини, камида битта чет тилини мукаммал ўрганишларини, бошқа давлатларга бориб, у ердаги инсонлар билан мулоқот қилиб, Исломнинг гўзалликларини тушунтиришларини, у ерларда бизнес йўлга қўйишларини, ҳатто лозим бўлса, у ердагилар билан оила қуришларини қатъият билан тавсия қилар эди. Профессор доктор Хайриддин Қараман марҳум Жўшон ҳазратлари ҳақида “Кошки ҳамма шайхлар шу кишидек бўлса!”, – деган эди.

Асъад Жўшон ҳазратлари ўзи етакчилик қилиб, ташкил этган “ахлоқ, атроф-муҳит ва маданият” жамиятлари билан юртимизнинг ҳар бир бурчагида хизмат этиб, кўплаб дарахтзорлаштириш фаолиятини шахсан назорат қилган. Австралиядан Америкага, Англиядан Туркияга қадар дунёнинг кўп жойларига етиб борган ва бу билан хизматда чегара йўқлигини кўрсатган. Ушбу хизматлар китоблар, журналлар, газеталар, радио ва телевидение каби ахборот ва алоқа воситалари билан қўллаб-қувватланди. “Ислом”, “Аёл ва оила”, “Гул бола”, “Илм ва санъат” журналлари билан дунё кун тартибини яқиндан кузатиб, иймонимизни ойдинлатган.

Асъад Жўшон таълим соҳасида янги қадамлар ташлади ва замонавий таълим усулларидан фойдаланди. Оила(вий) таълим семинарлари шаклида амалга оширилган фаолиятлар одамларнинг бир-бири билан мулоқот қилишини ва фаолланишини таъминлади. Шунингдек у яна кўплаб хайрия муассасаларига асос солди. Булар билан биргаликда спортга аҳамият берган, хусусан, оилавий семинарлар муносабати билан ташкил этилган юриш, югуриш ва сузиш машғулотларида доимо фаол бўлган. Унинг бундай замонавий

хатти-ҳаракатларига ғалати қараб, танқид қилганлар ҳам бўлган. Ваҳоланки булар Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг амалларидан бўлган.

Маърифатпарвар олим Асъад Жўшон дунёга очиқ яшаш тарзи ва жамиятнинг турли қатлам вакилларига илиқ, самимий муносабати билан "қўпол мутаассиблик" қиёфасини ўчириб, инсонларни Исломга яқинлаштиришга ҳаракат қилган. Устоз замонамизнинг ҳақиқий алп эрани, колонизатор турк дарвеши, Хуросон эранларининг асримиздаги акси ва илми, таблиғи, хизмати, ғайрати билан дунё ва охират ишларини тенг тутган нақшбандия анъанасининг нодир намоёндаларидан эди.

Жўшон ҳазратлари Пайғамбаримиз (с.а.в.), Хожа Аҳмад Яссавий, Шоҳи Нақшбанд, Абдулқодир Гийлоний, Мавлоно Румий, Ҳожи Бектоши Валий, Юнус Эмро, Хожи Байрам Валий, Ашрафўғли Румий, Азиз Маҳмуд Худоий, Кумушхонавий, Муҳаммад Зоҳид Қўтқу ва яна кўплаб мутасаввифларнинг йўлидан борган бир олим эди. Мусулмон Онадўли халқи ўз ўтмиши ва келажагини унда топган эди.

Вақф ва нашриётга аҳамияти

Марҳум Асъад Жўшон вақфларга оид хароба ҳолга келган бир қанча аждодлар мероси бўлган тарихий ёдгорликларни таъмирлаш билан шуғулланди ва мақсадига мувофиқ қайта фаолият кўрсатишини таъминлади. Аҳмад Комил такяси, Саломи Мустафо Афанди такяси, Шайх Мурод Афанди даргоҳи, Қонуний Султон даврида қурилган эндиликда эса Шодия Хотин ташхис (диагностика) клиникасига хизмат кўрсатаётган мажмуалар каби...

Таълимни ривожлантириш учун матбуот ва радиоэшиттириш фаолияти билан шуғулланди. 1983 йил "Ислом" журналини, 1985 йил "Аёл ва оила" ва "Илм ва санъат" журналини чиқара бошлади. Кейинчалик "Гул бола" журналини чиқарди. Соғлиқ ва билимга оид мавзулар бўйича эса "Панзаҳар" журналини чоп эттирди. Китоб нашр эттириш учун "Сахо нашрлари" ташкил қилди. Турли диний, адабий, тарихий, маданий асарлар чоп эттирди. Радиоэшиттиришни ривожлантириш, ҳафталик ва кундалик ёйинларга ўтиш учун изланишлар бошлади. Унинг саъй-ҳаракатлари билан нашриёт (Аҳсан) ва босмахона (Даҳо) ташкил қилинди. Бу билан биргаликда аудио ва видео эшиттириш соҳасида хизмат кўрсатиш, миллий-маънавий қадриятларимизга мос дастурлар олиб бориш мақсадида "Ак-Радио" (АКРА) номли муассасанинг ташкил этилишига етакчилик қилди (1992). Ҳозирда ҳам Истанбул, Анқара, Измир, Коня, Адапазари, Денизлидан бошлаб, юздан ортиқ марказдан ва дунёнинг бошқа ўлкаларидан радио эшиттиришлари тингланмоқда.

Сифатли таълим олишни таъминлаш мақсадида хусусий боғча, мактаб очишга ташвиқ қилиб, турли вилоятларда мактабгача таълим, бошланғич



ва ўрта таълим муассасалари ташкил эттирди. Турли вилоятларда мактабгача таълим, бошланғич ва ўрта таълимга йўналган хориждаги мусулмонлар билан мулоқот ўрнатиш мақсадида “Искандарпошо Туризм (ИСПА)” номи остида сайёҳлик агентлиги ташкил этилишига етакчилик қилди.

Илмий савияси юксак ўқитувчилар етиштириш мақсадида Истанбул, Анқара, Коня, Бурсада ҳадис ва фиқҳ институтлари очтирди. Бу ерларда Илоҳиёт факультетларида таҳсил олаётган ёки битирган талабаларга хусусий устозлардан арабча, ҳадис, тафсир ва фиқҳ дарслари ўтишларини таъминлатдирди. Ўзи ҳам шарқ тилларидан арабча ва форсчани, ғарб тилларидан немис ва инглиз тилларини билган.

Ислом журнали

Ислом журнали ҳали сотувга чиқмасидан аввал қизғин иш жараёни пайтини дўстим Айдин Илҳан билан кўрган эдим. Нашриётда ишлайдиган Фаҳми Кору, Ҳасан Ҳусайн Жайлон ва Зоҳид Акман билан танишиш ва суҳбатлашиш имконига эга бўлдим.1983 йилда журналнинг биринчи сони нашр этилган куни эрталабдан шахобча очилмасдан аввал бориб, биринчи сонини ҳаяжон билан сотиб олгандик.

Ислом журналида устоз Асъад Жўшоннинг истагига биноан 1993 йил Кашмир ҳақида мақола ёзган эдим. Яна 1993 йил сентябр ойининг 121-сонида “Эрон қайдлари: Ҳумайнидан Рафсанжонийгача Эронда янги давр” номли мақолам чоп этилди. 1994 йил июн ойининг 120-сонида “Журналист ёзувчи Сулаймон Дўғон билан Афғонистон” мавзусида суҳбат уюштирилди. Худди шу сонда Афғонистоннинг Анқарадаги элчиси Азим Нассер билан Афғонистон бўйича интервю ўтказган эдим. Менинг таклифим ва Асъад Жўшоннинг розилиги билан Ислом журналининг “Яқин Шарқда ирқчилик ўйини” муқоваси билан чоп этилган 1996 йил ноябр 159-сонида икки мақолам босилди. Бу мақолалар марҳум Асъад Жўшон устозимизнинг истагига кўра нашр қилинган эди.

Ўқиш санъати

Муҳтарам М.А.Жўшоннинг “Ўқиш санъати, ўқиш, тил ва адабиётда амал қиладиган олтин қоидалар” каби мавзуларда ойдинлик киритадиган фикрларни тақдим этаман: Ўқиш касбимизда юксалиш, маданиятимизни кенгайтириш, гўзал ва тўғри фикрлаш, гапириш ва ёзиш, хайрли ишлар қилиш учун албатта шартдир. Очиқ ҳавода сайр қилиш, гимнастика танамизни яхшилаганидек, гўзал бир асар ўқиш ҳам зеҳнимизни ўстиради, ҳис-туйғуларимизни юксалтиради. Қисқагина умримизда фақатгина шахсий кузатиш ва тажриба билан қанчалик маълумотга эга бўла оламиз? Ҳолбуки ўқиш

орқали асрларнинг фикр-қараш ва тажрибалари билан танишиб, онгимизни бойитишимиз мумкин.

Бугунги кунда бирор касбда юксалиш ва мутахассис бўлиш учун ўша касбга оид барча мақола ва нашрларни кузатиб бориш зарур. Бир муаммога сўралган заҳотиёқ жавоб бера олишдан кўра, қайси китоб ва нашрлардан жавоб топилишини билиш исталади. Китобхонлик – энг гўзал ишдир. Буюк ёзувчилар умрларининг ярмини ўқиш билан ўтказдилар. Чунончи, Montesquieux: “Чорак асрлик китобхонлигим ҳар қандай дарду аламимни кеткасган” деса, Алфонс Даудет эса кекса бир дўстига: “Гўзал китоблар ўқи!”, – дея тавсия қилган.

Ҳар куни 20-30 варақ китоб ўқиш билан маданиятимиз қисқа вақт ичида кенгайиши мумкин. Хусусан адабиёт усталарининг дурдона асарларини ўқиш орқали тил бойлигига, нутқ гўзаллигига эришилади. Ўз даврининг энг ёрқин нотиқи ҳисобланган ва тилни яхши билиши билан танилган Жон Брайт бу даражага кўп китоб ўқиш орқали кўтарилган.

Ўқиш учун китоб танлаш

Ўқиш лозим бўлган нарсалар жуда кўп бўлгани учун аввал танлов қилиш лозим. Вақт чекланган ва қимматли бўлгани учун биз қандай китобларни ўқишимиз кераклиги ҳақида ўйлашга мажбурмиз. Бу борада меҳнат сарфлаб тайёрланган, алоқадор шахслар томонидан юксак баҳо берилган, жиддий, танлаган мавзуга доир асл манбаа асарларни ўқишни тавсия қиламиз. Асл асарни тақлид ва қадрсиз асарлардан фарқлаш учун ўлчов, ёзувчининг ушбу мавзудаги салоҳияти ва малакасининг даражасига кўра ҳисобланади. Иккинчи нуқта – нашрнинг сифатидир: таҳрир қилинмаган, индексланмаган ҳатто мундарижа қисми ҳам бўлмаган асар қанчалик яхши бўлса ҳам китобхонга фойда келтирмайди. Баъзан яхши китоб ўқиётган бўлсак-да, мавзу чуқурлиги туфайли ўқишга истаксизлик пайдо бўлиши мумкин. Бундай ҳолда биз ўзимизни бироз мажбурлашимиз керак. Немис шоири Гёте умрининг сўнгги йилларида (1830): “Ўқишни ўрганиш санъатлар орасида энг қийинидир... Умримнинг саксон йилини бу ишга бағишладим, шунда ҳам ўзимдан мамнун эканимни айта олмайман”, деган.



Ўқишдаги олтин қоидалар

Устоз Асъад Жўшон китоб ўқиётганда ундан кўпроқ фойда олиш учун амал қилиш лозим бўлган қимматли маслаҳат ва тамойилларни санаб ўтади:

1. Китобни чарчаган, хорғин пайтда ўқимаслик керак. Ўқиш учун муносиб вақтни танлаш керак. Бу вақт, баъзилар учун эрталаб, баъзиларга эса кечқурун бўлиши мумкин. Лекин қорин жуда тўқ ҳолда ўқиш тўғри бўлмайди.

2. Зеҳнни мавзу устига қаратиш керак. Ярим соатдан кейин бироз дам олиш мақсадга мувофиқ.

3. Айниқса муҳим асарлар ўқилаётганда албатта қўлда қалам бўлиши, муҳим жумла ёки ибораларнинг таги чизилиши керак. Бу қайта ўқиш ва қидирувларда ёрдам беради, шунингдек, муҳим ғоялар ва матн скелетларининг ўтказиб юбормасликка ёрдам беради.

4. Саҳифанинг четига кичик қайдлар олинг, китобнинг ўша қисми ҳақидаги фикр-қарашларимиз, эътирозларимиз қайд этилса, келгусида китобдан фойдаланиш учун қўлланма бўлади.

5. Асарнинг боши ёки охиридаги бўш варағга ўз шахсий мундарижамизни қўшиб, биз учун муҳим бўлган жойларни ва алоҳида қизиқиш уйғотадиган қисмларни қайд қилсак, уларни кейинроқ қидирганимизда осонгина топиш мумкин.

6. Китобнинг қисқача мазмунда хулосасини ёзиш, асарни унутиб, қайта-қайта ўқишнинг олдини олади.

7. Китобдаги қизиқарли сўз ва маълумотлар белгиланиши мумкин. Шундай қилиб, вақт мобайнида бизнинг кичик шахсий архивимиз юзага келади. Бу айниқса илмий иш билан шуғулланмоқчи бўлганлар учун тавсия қилинади. Қайд қилинган сўз, шеър воҳаказо ёдлашда фойдаланиш мумкин.

8. Китобда учраган ҳар бир сўзнинг маъносини ўрганиш, керак бўлса, луғатга мурожаат қилиш керак. Шу алфозда сўз бойлиги ривожланиб, кенгаяди. Бундан ташқари сўзнинг талаффуз, имло ва жумла ичида қўлланиш шаклига ҳам эътибор бериш керак.

9. Гапириш қобилиятимизни ошириш учун адабий асарларни талаффуз, урғу ва маънога аҳамият бериб, овоз чиқариб ўқиш тавсия этилади. Бунга нотиқлик дейилади ва бу нотиқлик, театр ва радио нутқлари учун муҳим.



Тил ва адабиёт ҳақида баъзи маслаҳатлари

Устоз Асъад Жўшон тил ва адабиёт ҳақида ўнта маслаҳат берган:


1. Ҳар куни яхши асардан баланд овоз билан ўн бет ўқинг! Шу тарзда нутқингиз ва сўзлаш қобилиятингиз ривожланади.
2. Ҳар қандай адабий, фикрий ва фалсафий жумлаларни ёдланг. Шу орқали сўз ва ифода бойлигинг ортиб, хотиранг кучаяди.
3. Энг аввало соф она тилингизда гапиришни ва ёзишни ўрганинг! Инсон учун энг фойдали бўлган ўз она тилидир. Одамнинг қадр-қиммати тили остида ва сўз учида яширинган, уни сўз ва ёзув юзага чиқаради. Грамматика мақсад эмас, воситадир, асосийси фикр-ғоя бойлигидир.
4. Сўзларингиз ва ёзувларингиз қисқа, аниқ ва маъноли бўлсин. Кўп гапирманг, ўринли ва мазмунли гапиринг! Сўзнинг қиммати ва таъсири кўп гапиришда эмас, ўринли ва лўнда гапиришдадир.
5. Тилингизни тийинг ва билингки тил яраси пичоқ ярасидан ҳам хавфлидир.
6. Энг яқин дўстингизга ҳам ҳазилларингиз ёқимли, сўзларингиз ширин ва муомалангиз зариф бўлсин. Қўпол инсон тишлайдиган итга ўхшайди, ҳамма ундай итларга тош отади.
7. Ишингизда ва сўзингизда тўғриликдан айрилманг. Ҳақ тўғриларнинг ёрдамчисидир.
8. Бекорга иддао ва қайсарлик қилманг, ҳақиқатни изланг ва севинг! Ҳақиқат севгиси, инсон учун севгиларнинг энг улуғидир.
9. Бир мавзу ҳақида бир асар ёки мақола ёзишга қарор қилганингизда, аввал ўша мавзу ҳақида нашр қилинган асарларни топиб, ўқингки, ёзилган ва айтилган нарсаларни қайта қаламга олиб, умрингиз исроф бўлмасин.
10. Доимо изланинг, кўп ўқинг, ўрганинг, чунки билимли бўлганлар кучли бўладилар.

Туркияда жуда кам кишига насиб бўладиган дафн маросими Жўшон ҳазратлари учун амалга оширилди. Таблиғ ва хизмат иштиёқи билан дунёнинг нариги чеккасида ҳижрат ва ғурбат ҳаётини яшаркан, шаҳидлик шарбатини ичиб, ортида қанчадан-қанча мухлисларини қолдириб кетди. Устоз Асъад Жўшонни Аллоҳ раҳмат қилсин.

Жаноза намози

Устоз Асъад Жўшоннинг жасади Австралиядан келтирилиб, жанозаси жума куни Фотиҳ жомеъсида юз минглаб одамлар томонидан ўқилади ва Айюб Султон қабристонига дафн қилинади. Устоз Асъад Жўшон олимликдан ташқари айни пайтда жамоат арбоби эди. Яхшиликка чақириб, ёмонликдан қайтариш шиори остида инсонларни, жамиятларни тарбиялаш, ко-

мил инсон қилиб етиштиришни ўз олдига вазифа деб билган. У ижтимоий, ақлий, жисмоний ва руҳий соғлиғини йўқотиб бораётган жамиятимизнинг мустаҳкамланиши учун меҳнат сарф қилган олим ва ижтимоий арбоб эди. Бу меҳнатини фақат Туркияда қилмади, балки минглаб километр узоқликда яшаётган ватандошимиз ва диндошимизнинг ёнига кетиб, у ерда ҳам фаолиятини давом эттирди. Уларнинг нафақат диний эътиқодини, балки ватанпарварлик манфаатларини мустаҳкамлаш борасидаги ишларни ҳам амалга оширди. 2001 йил 4 феврал куёви профессор доктор Али Южел Уярел билан масжиднинг очилиш маросими учун Грифит шаҳрига кетаётганида, Австралияда маҳаллий вақт билан соат 12:00 да, Сидней атрофидаги, Дуббо касабаси яқинида содир бўлган шубҳали автоҳалокат натижасида вафот этди. Жасади Туркияга келтирилиб, 2001 йил 9 феврал куни жума намозидан сўнг жанозаси ўқилади ва Аюб Султон қабристонига дафн қилинади.



Илмий-услубий нашр

ИРФОН БУЛОҒИ

Муҳаррир
Ж. Маҳмудов

Бадиий муҳаррир
Меҳин Саъдуллоҳ қизи

Мусаҳҳиҳ
О. Равшанов

Дизайнер ва саҳифаловчи
Н. Умарқулова

Лицензия рақами: № 7315.2020-08-06.
Босишга 23.06.2025 йилда рухсат этилди.
Бичими 70x100 1/16.
Босма табоғи 24,0. Шартли босма табоғи 40,32.
Гарнитура «Times New Roman». Офсет қоғози.
Адади 500 нусха. Буюртма № 182
Баҳоси келишилган нархда.

“Qamar media” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Қушбеги кўчаси, 6-уй.

Мурожаат учун телефон: +998946727111